


## IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

2018 йил январь-мартда вилоятнинг асосий капитални кўпайтиришга 1166,7 млрд. сўм миқдоридан инвестициялар ўзлаштирилиб, шундан хорижий инвестициялар 99,8 млрд. сўмни ташкил этди. Аҳоли жон бошига асосий капиталга инвестициялар 2018 йилнинг январь-март ойларида 407,3 минг сўмни ташкил этди.

### 2018 йил январь-март ойларида ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига асосий капиталга киритилган инвестициялар миқдори




Ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига тўғри келадиган инвестициялар ҳажмининг юқори кўрсаткичлари Олмалиқ шаҳар 1771,2 минг сўм, Чирчиқ шаҳар 1042,7 минг сўм, Ангрен шаҳар 695,3 минг сўм ва Зангиота туманида 627,1 минг сўмни ташкил этди.

**Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган  
инвестицияларнинг тақсимланиши**

	<i>млрд.сўм</i>	<i>ўсиш суръати, %</i>	<i>яқунга нисбатан фоиз</i>
<b>Асосий капиталга киритилган инвестициялар</b>	<b>1166,7</b>	<b>144,2</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>			
<b>Марказлашган инвестициялар:</b>	<b>218,6</b>	<b>206,0</b>	<b>18,7</b>
бюджет маблағлари	27,5	65,3	2,4
давлат мақсадли фонд маблағлари	4,8	73,5	0,4
тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари	120,0	-	10,3
ҳукумат кафолати остида чет эл кредитлари	66,3	115,9	5,6
<b>Марказлашмаган инвестициялар</b>	<b>948,1</b>	<b>135,2</b>	<b>81,3</b>
корхоналарнинг ўз маблағлари	343,3	97,7	29,4
аҳоли маблағлари	212,1	143,5	18,3
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	26,2	30,3	2,2
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	366,6	312,5	31,4

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбаларига кўра, энг юқори кўрсаткич 2018 йил январь-март ойларида тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари ҳисобига 366,6 млрд.сўмлик яқунга нисбатан 31,4 % ни ташкил қилди.

## 2018 йил январь-март ойлари учун асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари



## 2018 йил январь-мартда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби



	<i>жами</i>	<i>Давлат</i>	<i>Нодавлат</i>
<b>Жами, млрд. сўм</b>	<b>1166,7</b>	<b>49,8</b>	<b>1116,9</b>
<i>шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз кўринишида</i>			
қурилиш-монтаж ишлари	51,4	59,3	51,1
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар	45,1	33,4	45,6
Бошқа харажатлар	3,5	7,4	3,3

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибининг 2018 йил январь-март ойларида қурилиш-монтаж ишлари улуғи 51,4% ни ташкил қилиб, умумий ҳажмга нисбатан юқори улуғга эга бўлди.

## Асосий капиталга киритилган инвестициялар ва кредитларни иқтисодий фаолият турлари бўйича (умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)

2017 йил январь-март

2018 йил январь-март



- Уй-жой қурилиши
- Ишлаб чиқариш саноати
- Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашда
- Улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида
- Ташиш ва сақлашда
- Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш
- Қурилиш
- Профессиял, илмий ва техник фаолият
- Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш
- Бошқа фаолият турлари

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича  
асосий капиталга киритилган инвестициялар**

*(млрд.сўм)*

	<i>Январь–март</i>			
	<i>2017 й.</i>	<i>Умумий ҳажмга нисбатан фоизда</i>	<i>2018 й.</i>	<i>Умумий ҳажмга нисбатан фоизда</i>
<b>Жами</b>	<b>581,4</b>	<b>100</b>	<b>1166,7</b>	<b>100</b>
<i>шу жумладан: иқтисодий фаолият турлари бўйича</i>				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	38,7	6,7	72,2	6,2
тоғ–кон саноати	20,2	3,5	175,9	15,1
ишлаб чиқариш саноати	189,2	32,4	339,5	29,1
электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	6,7	1,2	7,3	0,6
сув билан таъминлаш, канализация tizими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	3,2	0,6	6,5	0,6
қурилиш	20,2	3,4	11,8	1,0
улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш	51,5	8,8	30,9	2,5
ташиш ва сақлаш	47,5	8,2	37,4	3,2
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	4,2	0,7	7,7	0,7
ахборот ва алоқа	9,1	1,6	9,7	0,8
молиявий ва суғурта фаолияти	2,7	0,5	7	0,7
профессионал, илмий ва техник фаолият	25,7	4,4	12,8	1,1
таълим	4,1	0,7	2,0	0,2
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	5,1	0,9	7,1	0,6
Бошқа иқтисодий фаолият турларидан ташқари: турар – жой бинолари қурилишига инвестициялар	133,7	23,0	388,1	33,2
санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	3,8	0,7	13,9	1,2
бошқа фаолият турлари	15,8	2,7	36,9	3,2

Иқтисодий фаолият турлари бўйича турар-жой бинолари қурилишига 388,1 млрд.сўм (жами инвестициялар ҳажмида 33,2 %), ишлаб чиқариш саноатида 339,5 млрд.сўм шундан тўқимачилик маҳсулотлари ва кийим-кечак ишлаб чиқаришда 87,9 млрд.сўм (7,5%), резина ва пластмасса буюмларини ишлаб чиқаришда ўзлаштирилган инвестициялар 84,7 млрд.сўм (7,3%), озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари 36,4 млрд.сўм (3,1 фоиз), бошқа нометал минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариши 31,1 млрд.сўм (2,6%), тоғ-кон саноатида 175,9 млрд.сўм (15,1%), шундан металл рудаларини қазиб олишда 171,7 млрд.сўм (14,7%), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги 72,2 млрд.сўм (6,2%), ташиш ва сақлаш 37,4 млрд.сўм (3,2%), улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари- 30,9 млрд.сўм (3,5%), бошқа фаолият 36,9 млрд.сўмлик (3,2%) инвестициялар ўзлаштирилди.

### **Ижтимоий соҳа объектларини қурилиши**

2018 йил январь-март ойларида умумий майдони 258,6 минг кв.м бўлган 2041 та шундан қишлоқ жойларида 223,1 минг кв.м 1787 та уй-жой фойдаланишга топширилди. Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 388,1 млрд.сўми ёки 87,4% турар-жой қурилишида ўзлаштирилди.


**Қурилиш фаолияти.** 2018 йил январь-мартда 492,4 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 133,4 % ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 80,6% бинолар ва иншоотларни, 7,7% фуқаролик қурилиши объектларини ва 11,7% ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди.


Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 480,7 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 97,6 % (2017 йил январь-мартга нисбатан ўсиш суръати 135,1%) ташкил қилди.

**Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан  
бajarган қурилиш ишлари тақсимоти**  
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)


**2017 й январь-март**



**й январь-март 2018**



**Қурилиш ишлар ҳажмининг ўсиш суръати**  
(2017 йилнинг январь–мартига нисбатан, фоизда)



Хусусан юқори ўсиш суръатлари Тошкент тумани 258,4 %, Олмалик шаҳар 205,4 % ва Зангиота тумани 199,4 % кузатилди. Бунга қарама-қарши равишда Ўртачирчиқ туманида 48,5% ва Нурафшон шаҳарда 61,1 % паст ўсиш суръатлари кузатилди.